

А Ж Р И М

2020 йил [REDACTED], жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг сайёр суд мажлиси, Кармана туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Ж.Каримов,

судья ёрдамчиси Ж.Мавлоновнинг котиблигида, томонлардан Навоий транспорт прокурори А.Ғаниевнинг иштирокида, судланувчи Ж.Файзиевнинг катнашувида, судланувчи [REDACTED]

кўра,

[REDACTED] май куни Гиждувон туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Кармана туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари, Навоий шаҳар Низомий кўчаси 2^А-уй, 72-хонадонда яшайди, унга нисбатан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини нусхасини 30.09.2020 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 190-моддаси 1-қисми ва 206-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, иш материалларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара сўзларини тинглаб, судланувчиларнинг ҳимоя ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни, -

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ж.Файзиев, [REDACTED]

келиб, [REDACTED]

маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги корхонага берилган ер участкасидан [REDACTED] тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасида белгиланган фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун лицензия олмасдан, 65762,24 м.куб кум-шағал аралашмаси бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиб, “Форма-2” далолатнома ҳужжатларига пудратчининг харажатларини қоплаш мазмуни билан 21,87 фоиз, 19,55 фоиз, 17,74 фоиз, 20,05 фоиз миқдорида қўшимча қийматлар киритиб, давлатдан кўп миқдорда, яъни 2019 йил ва 2020 йилнинг январь-май ойларида 94.474.246 сўм даромад олганлиги аниқланган.

Шунингдек, Кармана туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан Кармана тумани “Янгиариқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ер участкасига геологик жиҳатдан ўрганиш учун NV 0039 G 5-сон лицензия олган бўлсада, Ж.Файзиев мансаб ваколатлари доирасидан четга чиқиб, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун лицензияси бўлмасда, ер қаъридан



фойдаланиш пуллик эканлигини билган ҳолда, кўп миқдорда даромад олишни кўзлаб, фойдали қазилмадан ноқонуний фойдаланиши аниқланган ҳолат бўйича ҳужжатларни расмийлаштириб, яъни қум-шағал аралашмасини қазиб олиш учун “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” томонидан тасдиқланган калькуляцияси асосида ҳисобланган 431.791.647 сўмлик харажатларни қилиб, қум-шағал аралашмаларини лицензиясиз қум-шағал аралашмаси бўлган фойдали қазилмаларни кавлаб олишга топшириқ берганлиги аниқланган.

Судда, Ж.Файзиев содир этган жиноий қилмишига чин кўнгилдан пушаймонда эканлиги, айбига иқдорлиги, содир этган жиноятини оқибатини тушуниб етганлигини, келгусида бу ҳолат такрорланмаслиги, биринчи маротаба мазкур жиноятни содир этганлиги, содир этган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳисобланиши, суд процесси жараёнида яъни, 05.11.2020 йилда корхона номига фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун лицензия олганини, ҳозирги вақтида шароит ўзгариб содир этган жинояти кам аҳамиятли бўлиб, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлигини инобатга олиб, уни айблаш бўйича жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатишликни сўраган.

Суд, судланувчи Ж.Файзиевнинг аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан таҳлил қилиб, томонлар фикрларини тинглаб, Ж.Файзиевнинг жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатишликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 1 ва 2-бандларида,-

“Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, Жиноят Кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиш шартлигини англамаслиги судларга тушунтирилиши, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймонда бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги” кўрсатилган.

Шунингдек, [REDACTED] томонидан содир этилган жиноятлар ижтимоий хавфлиликка кўра қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ҳисобланиб, Ж.Файзиев биринчи маротаба мазкур жиноятни содир этганлиги, айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, ҳозирда тегишли фаолият билан шуғулланиш учун лицензия олганини, жиноят оқибатида моддий зарар мавжуд эмаслигини, жиноят ишни кўриш пайтида қилмишидан



амалда чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги сабабли, ижтимоий хавфлилигини йўқотиб шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолгани ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори талаби ва жиной жазоларни либераллашуви муносабати билан суд амалиётида юзага келган амалиётини эътиборга олиб, суд Ж.Файзиевни айбланишга оид жинойт ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан, унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатишликни ва унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилишликни;

жинойт иши бўйича Ж.Файзиевнинг ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш жараёни тасвирланган икки дона “DVD” дискларни жинойт иши билан бирга сақлашни ва жинойт иши бўйича моддий зарар йўқлигини инобатга олишни лозим деб топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-банди ва 401, 423-моддаларини қўллаб, ажрим қилади, -

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 190-моддаси 1-қисми ва 206-моддаси 1-қисми билан айбланган [REDACTED] нисбатан бўлган жинойт иши юзасидан иш юритиш тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач, судланувчи Ж.Файзиевга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жинойт иши бўйича Ж.Файзиевнинг ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш жараёни тасвирланган икки дона “DVD” дисклар жинойт иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар 10 кун ичида жинойт ишлари бўйича Кармана туман суди орқали жинойт ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик этувчи:

Ж.Каримов

